



# ТОШКЕНТ

# ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 192 (14.039)

Баҳоси эркин нарҳда

## КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚІЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

### ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 27 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Аввало, барчангизни, бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллик байрами билан самимий табриклаб, эзгу тилакларимни изхор этишга ижозат бергайсиз.

Хурматли дўстлар! Ҳар бир давлат ўз истиқлол ва тараққиёт йўлини танлар экан, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қиладиган энг муҳим мақсад ва вазифаларини ўзининг Конституцияси – Асосий қонунда мустақамлаб олади. Бинобарин, ўз халқининг хоши-иродаси, дили ва тилидаги эзгу ниётларига ҳамоҳанг Конституцияга эга бўлган мамлакат ўзи белгиланган юксак марралардан ҳеч қачон огишмасдан, доимо олдинга қараб боради.

Тарихга назар солсак, асрлар давомида шакланган маънавий-ахлоқий қадриятлар ва инсоннинг табиий ҳуқуқлари цивилизация жараёнида натижасида Конституция шаклига келганини кўрамиз.

Конституция башариёт ҳаётида илк бор инсоннинг озод ва эркин яшаш, мулкка эга бўлиш, таълим олиш, меҳнат қилиш, сайлаш ва сайланиш каби ҳуқуқларини, сўз ҳамда эътиқод эркинликларини олий қадрият даражасига кўтарди.

Мустақиллигимизнинг илк даврида қабул қилинган Конституциясида шакл, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда уларнинг кафолатларини аниқ-равшан белгилаб берди.

Бош қомусимиз, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, юртимиз фуқаролари тенглигининг кафолатлашини эътибор этди ва замонавий демократик тараққиёт учун замин яратди.

Айнан шу сабабли Конституциямизни эҳтиром билан улуғлашимиз, ҳар томонлама ўрганишимиз, унга изчил амал қилишимиз, Асосий қонунимизда муқассам бўлган аждодларимизнинг буюк мероси ва умуминсоний қадриятларни ёшларимиз қалбига синдиришимиз зарур.

Хурматли юртдошлар! Соҳибқирон Амир Темурабобомиз **“Давлат қонунлар асосида қурилмас экан, ундай салтанатнинг шуқуқи, қудрати ва таркиби йўқолади”**, деб таъкидлаган эдилар. Шу нуқтаи назардан, Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш биз бунёд этаятган демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланади.

Ҳар қандай демократик ислохотлар самараси, тинчлик ва тараққиётнинг асосий гарови ҳам Конституция ва қонун устуворлиги таъминлангани билан бевосита боғлиқ.

**Қонун устуворлиги – бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари чиқараётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шарт, деганидир.**

Шу боисдан ҳам барча бўғиндаги кадрлар, у ҳоҳ вазир, ҳоким ёки оддий фуқаро бўлсин, Конституция ва қонунларни пухта билиши, уларнинг ижросини тўғри ташкил этиши ҳамда биринчи навбатда бу қоидаларга бутун жамият аъзолари қатъий амал қилиши шарт бўлган муҳим яратилишимиз зарур.

**“Конституция ва қонун устуворлиги – фаровон ҳаёт гарови”** деган тушунча фуқароларимизнинг онги ва қалбиди чуқур ўрин эгаллаши ҳамда ижтимоий эътиборга айлангани учун қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайман.

**Биринчидан**, қонунлар ижросини самарали ташкил этиш, тизимли муаммоларни олдиндан кўра билиш, қонун бузилишининг салбий оқибатларига қарши курашиш билан бирга бундай ҳолатни барвақт бартараф этишга қаратилган тизимли шаклантириш аниқсиз долзарбдир. Афсуски, ушбу талаблар бизда ҳали тўлиқ бажарилмоқда, деб айта олмаيمиз.

Шу йилнинг ўзида 70 дан ортиқ қонун, 350 дан зиёд Президент фармони ва қарорлари қабул қилинди. Бу қонун ҳужжатлари ким учун ва нима мақсадда қабул қилинмоқда? Албатта, халқимиз фаровонлиги учун.

Масалан, иқтисодиётимизни жадал ривожлантиришнинг муҳим шарт бўлган **“Давлат-хусусий шериклиги тўғрисида”**ги қонунни қабул қилганимизга 7 ой бўлди. Кўпдан буён кутилган, ҳаётнинг ўзи талаб этаётган бу қонун лойиҳаси устид биз узоқ вақт ишладик. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг давлат ва жамият вазифаларини бажаришга доир конституциявий ҳуқуқини амалга оширишнинг тасирчан механизмидир.

Ҳозирги вақтда айрим тармоқларда давлат-хусусий шериклик бўйича лойиҳаларни амалга ошириш бошланди. Аммо соғлиқни сақлаш, таълим, транспорт, йўл қурилиши, коммунал хўжалиги каби йўналишларда, аксарият ҳудудларда ҳали бу борада ташаббус умуман сезилмаяпти.

Вазир ёки ҳоким қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунмас, аниқлаб етмас, уни ҳаётга татбиқ этишда жонбозлик кўрсатмас, ислохотларимизнинг олдинга юриши, одамларда ташаббус уйғотиш қийин бўлади.

Ҳудудлардаги экан майдонларида руҳсатномасиз, ўзбошимчилик билан қурилиш қилиш, бино-иншоотларни бетартиб бузиш каби ноҳуш ҳолатлар қонунлар ижросини назорат қилиш ишлари оқсаятганидан далолат беради. Шу боис Парламент, Ҳукумат ва Олий суд қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашнинг самарали механизмларини қўллаши зарур.

Бу борада кадрларни ўқитиш ва малакасини оширишга, ҳуқуқий ахборотни замонавий усуллар орқали кенг оммага етказишга, қонунларни билиш ва қўллаш бўйича мутасадди раҳбарлар фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишга биринчи даражада эътибор қаратиш лозим.

**Иккинчидан**, Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан кўра самарали восита йўқ.

Буюк юнон олими Афлотун шундай деган эди: **“Халқ қонунларга эътибор сезиб, уларни пухта ўрганса, бу фақат унинг ўзига фойда келтиради. Акс ҳолда қонундан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди”**.

Ҳақиқатан ҳам, халқимиз қонун бузилишига қарши қаттиқ турмас экан, давлат идоралари, мансабдор шахслар қанчалик уринмасин, қонун устуворлигини таъминлаш қийин бўлади.

Бугун жамоатчилигимиз том маънода уйғонди, энди турли лавозимдаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларига одамларимиз бевосита баҳо бериб, ўз фикрини эркин ифода этишга ўрганоқда.

Яқунланаётган йилда Давлат бюджети илк бор кенг муҳокама этилиб, очиклик ва ошқоралик руҳида қабул қилинди. Унда турли вазирлик ва идоралар ҳар бир сўмини нимага ва қандай харажат қилиши аниқ кўрсатиб берилди.

Фуқароларимиз ва депутатларимиз билдирган фикрлар асосида мактабларга мебель ва компьютерлар харид қилиш учун бюджет харажатларини қисқартириш ҳисобидан 50 миллиард сўм қўшимча маблағ ажратилди. Бундай ижобий ҳолат бизнинг таъбиримизда биринчи марта юз бераётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Ёки кўпчилигингиз хабардорсиз, кейинги пайтда жойларда дарахтларни оммавий равишда кесиш кучайиб кетган эди. Бу одамларнинг норозилигига сабаб бўлди. Шунинг учун яқинда дарахтларни сабабсиз кесишга қарши мораторий эълон қилинди. Бу ҳам жамоатчилик фикри қандай кучли таъсирга эга эканига мисол бўла олади.

Буларнинг бари одамларимизнинг ижтимоий жараёнларга нисбатан масъулият ва дахлдорлик ҳисси ошиб бораётганини кўрсатади.

Айни вақтда жамоатчилик назорати **“Бир томонлама восита”**га айланиб қолмаслиги керак. Давлат идоралари фақат фуқароларга эмас, балки ўзларига нисбатан танқидий фикрларни ҳам адолат билан, ҳолис кўриб чиқишлари лозим. Шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, қурилиш ва ободончиликка оид қарорлар, дастлаб ўша ҳудуддаги аҳоли ўртасида муҳокама қилиниб, жамоатчилик экспертизасидан ўтказилиши шарт.

Яна бир масалага диққатингизни жалб қилмоқчиман.

Конституцияга асосан судлар ўз фаолиятида мустақил, лекин уларнинг чинакам назоратчиси халқ бўлиши керак.

Судлар ва тергов идоралари бирон-бир иш юзасидан чиқарилган қарор бўйича фуқароларнинг жамоавий муносабатларига тушунтириш ва ҳуқуқий изоҳлар бериши зарур.

Шуни аниқ тушуниб олиш лозимки, **жамоатчилик назорати – бу фақатгина давлат идоралари фаолияти ўзини ўзи бошқариш усули, бошқача айтганда, фуқаролик жамиятини тараққиёт топтиришнинг муҳим омилларидан биридир.**

Шунинг учун Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Нодавлат но-тижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси келгуси йилда ҳар бир соҳа ва тармоқ бўйича жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг тасирчан тизимини яратишга бош-қош бўлиши ва ташаббус кўрсатиши лозим.

Жамоатчилик назорати, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, молия, банк, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хўжалик, энергетика ва транспорт соҳаларида жорий этилиши зарур. Шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларидаги маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш сифати каби масалалар ҳам доимо жамоатчилик назоратида бўлиши даркор.

**Учинчидан**, оммавий ахборот воситалари қонунийликни қарор топтиришда чинакам “жамият кўзгуси”га айланиши керак.

Сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ислохотлар ўтган уч йилда жамиятимиз ҳаётида туб бурилиш ясади.

Бугунги кунда халқимиз орасида юриб, уни қийнаётган ижтимоий муаммоларни кўрсатиб бераётган энг катта куч – бу мустақил ва ҳолис оммавий ахборот воситалари вакиллари.

Демократик ислохотларимиз натижасида оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар мансабдор шахсларни ўз ишини қонуний асосда тўғри ташкил этишга ундамоқда. Шу сабабли ҳам давлат органлари фаолияти тўғрисидаги маълумотларни жамоатчиликка тўлиқ ва тезкор етказиш мақсадида уларнинг ҳар бирида матбуот хизмати иш бошлади.

Аслида, демократик жамиятда барча давлат хизматчилари оммавий ахборот воситалари билан яқин ижтимоий ҳамкорлик қилишга ўрганиши керак.

(Давоми 2, 3-бетларда)



## ОЗОД ВА ЭРКИН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

**Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 27 йиллиги муносабати билан 7 декабрь куни “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт намояндalари, кенг жамоатчилик, юртимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.**

Президент Шавкат Мирзиёев халқимизни ушбу кутлуғ айём билан муборакбод этиб, Асосий Қонунимизда белгиланган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги устувор йўналишлар ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон янги тараққиёт йўлидан олға илдамламоқда. Барча соҳада жадал суръатда олиб борилаётган ислохотлар, аввало, халқимиз фаровонлигини юксалтириши мақсад қилган. Узига хос йил сарҳисобига айланган Конституция байрамида яқунланаётган йилда бажарилган ишлар кўз олдимиздан ўтади, нималарга эриша олдигу, қайси вазифаларни урдалашда сусткашликка йўл қўйилди, деган савол кўндаланг бўлади.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузасида шу масалага эътибор қаратади. Мамлакатимизда қонунийликни таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида, кундалик ҳаётимизда очиклик ва ошқоралик тамойилларини қарор топтириш, халқимизни рози қилиш борасидаги вазифаларга тўхталди.

Асосий Қонунимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида белгиланган. Мамлакатимизда бундан уч йил олдин халқ билан мулоқотнинг мутлақо янги шакли – Халқ қабулхоналари ташкил этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлаётганини таъкидлаш жоиз. Бугун барча даражадаги давлат идораларида муносабатлар билан ишлаш, одамларни тинглаш, муаммоларни ҳал этиш биринчи даражадаги масалага айланди. Одамларда адолатга, қонун устуворлигига ишонч ортди. Энг муҳими, юртдошларимизда ён-атрофидagi муаммоларга, ижтимоий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғуси кучайди.

Лекин шу билан бирга қонунларнинг мукаммал ишлаши, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар тўла рўёбга чиқиши, соддароқ айтганда, ислохотлар ҳаёти-муқаддасидаги ифодасини топиши учун фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданият шакланган бўлиши зарур. Фуқароларда, барча бўғиндаги раҳбарларда Конституция ва қонунларга итоат туйғуси қарор топсагина жамиятимиз ўзгаради, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Президентимиз ўз маърузасида қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-

ри ишлаб чиқаётган ҳужжатлар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари фақат ва фақат Конституция ҳамда қонунларга мувофиқ бўлиши шартлигини алоҳида таъкидлади. Конституция ва қонун устуворлигига эришишда жамоатчилик назоратидан самарали восита йўқ экани, қонунийликни қарор топтириш, қонун бузилишига қарши курашиш борасида жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари “уйғонгани” қайд этилди.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш борасидаги ишларни узулсиз давом эттириш, бу борадаги кўникмаларни фарзандлар тарбиясига болалиқдан синдириши кераклигига эътибор қаратилди.

Бош қомусимизда белгиланган инсонпарвар тамойиллар тўла амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда Президентимизнинг жиноят содир этганларни афв этиш бўйича 8 та фармони қабул қилиниб, 4 миңдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди.

Конституция байрами арафасида давлатимиз раҳбари яна бир шундай фармонга имзо чеқди. Унга биноан, жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилди. Жорий йилда Жаслик қўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани ҳам инсонпарвар сибсатнинг амалий намунаси бўлди.

Ўтган уч йилда 9 миң 692 нафар, жумладан, бу йил 5 миң 868 нафар шахс Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси йигради. Байрам тантанасига йиғилганлар қўлларини кўксига қўйиб, Мустақиллигимиз кўшиғига жўр бўлди.

Бугунги шиддатли даврда олдинги мукаммал ишлаши, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатлар тўла рўёбга чиқиши, соддароқ айтганда, ислохотлар ҳаёти-муқаддасидаги ифодасини топиши учун фуқароларда ҳуқуқий онг ва маданият шакланган бўлиши зарур. Фуқароларда, барча бўғиндаги раҳбарларда Конституция ва қонунларга итоат туйғуси қарор топсагина жамиятимиз ўзгаради, ҳаётимиз янада фаровон бўлади.

Президентимиз ўз маърузасида қонун устуворлигини таъминлаш демократик ҳуқуқий давлатнинг бош мезони ҳисобланиши, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органла-

## ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЮКСАК НАМУНАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев **“Жазо муддатини ўтаётган, қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган бир гуруҳ шахсларни афв этиш тўғрисида”**ги Фармони имзолади.

Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 27 йиллиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 23-бандига асосан билиб-билмай жиноят содир этган, ҳозир-

ги вақтда қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган жазо муддатини ўтаётган **92** нафар фуқаро афв этилди.

Афв этилган шахсларнинг **20** нафари жазодан тўлиқ озод қилинади, **37** нафари жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинади, **16** нафарига тайинланган жазо енгилроқ жазо билан алмаштирилади, бир сўз билан айтганда, **73** нафар шахс жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинмоқда ва

пробация хизмати органлари назоратидан олинмоқда. Шунингдек, **19** нафар шахсга тайинланган озодликдан маҳрум этиш жазосининг муддатлари қисқартирилади.

Афв этилганларнинг **3** нафарини 60 ёшдан ошган шахслар, **3** нафарини аёллар ҳамда **79** нафарини таққилланган ташкилотлар фаолиятида қатнашган шахслар ташкил этади.

Бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатининг, халқимизга хос бағрикенглик,

кечиримли бўлиш, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатлар намоён бўлганининг амалий ифодасидир.

Фармон ижроси юзасидан афв этилган шахсларни оиласи ва яқинлари бағрига қайтариш, ижтимоий ҳаётга мослашиб, фойдали меҳнат билан шуғулланишлари, соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиб, жамиятда муносиб ўрин топишлари учун уларга кўмак бериш юзасидан масъул вазирлик ва идораларга тегишли топшириқлар берилди.



# КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ – ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЭНГ МУҲИМ МЕЗОНИДИР

## ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАННИНГ 27 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Маълумки, бугунги кунда аънавий ахборот воситалари билан бирга Интернет, ижтимоий тармоқлар, блогерлар жамоатчилик фикрини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда.

Давлат ва жамият бошқарувида, кундалик фаолиятимизда очиклик ва ошқоралик тамойилларини кучайтириш мақсадида биз фуқароларнинг сўз эркинлиги, ахборот олиш ва тарқатишга оид конституциявий норманинг ижросини амалда тўлиқ таъминлашимиз зарур. Бунинг учун эса биринчи галда оммавий ахборот воситалари ҳақидаги қонунчиликни такомиллаштириш керак ва биз бу борада фаол иш олиб бормоқдамиз.

Шу муносабат билан жамоатчилик назорати ҳам, оммавий ахборот воситалари ҳам ягона бир мақсадга, яъни халқимизни рози қилиш ва унинг турмушини яхшилашга қаратилганини ҳаммамиз бирдек англашимизни истардим.

Ҳар бир давлат органи ижтимоий тармоқларда ўз саҳифасига эга бўлиши, амалга ошираётган ишлари ҳақида, керак бўлса, ҳар кун батафсил маълумот бериб бориши шарт.

Яна бир марта такрорлайман, **Ўзбекистонда жамоатчилик назорати ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларига ҳеч қандай шаклда таъйиқ ўтказишга йўл қўйилмайди.**

**Тўртинчидан**, қабул қилинаётган қонунлар олиб бораётган ислохотларимиз билан уйғун бўлган тақдирдагина ишлайди.

Бу – айна ҳақиқат, аксиомадир. Лекин айрим қонунларимиз замон талабларига мос эмас. Шу боис қонунларни ижро этиш механизмларини аниқ тизим асосида яратиш – долзарб вазифамиздир.

Келгуси йилдан бошлаб Адлия вазирлиги қонунчиликни янгилаш ва тизимлаштириш бўйича мутлақо янги иш услубига ўтиши зарур. Бунда Конституциямиз нормалари ҳуқуқий пойдевор бўлиб хизмат қилиши лозим.

**Бешинчидан**, биз қанчалик мукамал қонунлар яратмайлик, қандай ислохотлар ўтказмайлик, агар фуқароларимизнинг ҳуқуқий бўлиши, онги ва маданияти етарли бўлмаса, қутилган натижаларга эришиш мушкул бўлади.

Ҳуқуқшунос олимларнинг бундан бир неча аср аввал **“Ҳуқуқни англаш масъулият ҳиссини ривожлантиради”**, деб айтган ҳикмати сўзлари ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Бошқача айтганда, Конституция ва қонунларга ҳурмат, ҳуқуқий онг ва маданият ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир мансабдор шахснинг ҳаёт ва фаолият тарзига айланмоғи керак. Лекин ана шундай ҳуқуқий масъулиятни бугун ҳаммада ҳам шакллантира олаётганимиз?

Афсуски, бу саволга ҳозирча ижобий жавоб беролмаймиш. Мисол учун, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан яратилган нонни халқимиз улуғ ва азиз неъмат сифатида гоёнда қадрлайди. Ноннинг қадрини айниқса ризқ-рўзимиз бунёдори бўлган деҳқон ва фермерларимиз жуда яхши биладилар.

Бугун ушбу муҳташам саройда уларнинг энг муносиб вакилларини кўриб турганимдан жуда хурсандман.

Бу йил Қишлоқ ҳўжалиги ходимлари кўни Конституция байрами билан бир кунда нишонланаётгани бу айёмга ўзгача файз бағишламоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, юртимиздаги барча деҳқон ва фермерларни чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, уларга юксак ҳурмат ва эҳтиром билдиришга рухсат этгайсиз.

Биз учун нон қанчалик азиз ва қадри бўлса, захматқаш деҳқонларимиз, уларнинг меҳнати ҳам шунчалик азиз ва қадридир.

Ҳақиқатан ҳам, уруш ва очарчиликни бошидан кечирган бобо ва момоларимиз бизга болаликдан бошлаб нонни кўзимизга суртиб эъзозлашни ўргатганлар. Бу бизнинг буюқ қадриятимизга айланган. Шу маънода, Яратганининг бебаҳо неъматларини, ҳаётдаги ижобий ўзгаришларни қадрлаш туйғусини фарзандларимиз қалбига ёшлигидан сингдириб боришимиз зарур.

Яширишининг ҳожати йўқ, олий ўқув юртига ўқишга кириш, тадбиркорликни бошлаш учун рухсатнома ёки лицензия олиш, солиқ тўлаш каби кўп-кўп кундалик ҳаётий масалаларни ҳал этишда “қонунчи четлаб ўтиш” бизнинг шароитимизда ёмон бир одатга айланган эди. Бундай иллатнинг илдизларини қирқишга қаратилган ишларни, қандай қилиб бўлмасин, аста-секин амалга оширмоқдамиз. Жумладан, болаларни боғчага жойлаштиришга электрон навбат, мактаблар ва олий таълимга ўқишга қабул қилишда очик ва ошқора тартиблар яратилди. Шунингдек, “ягона дарча” тамойили асосида 100 дан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилмоқда.

Аммо бу ўзгаришлар туфайли жамиятимиз салбий иллатлардан, қонунга бепасандлик ҳолатларидан батамом кутулди, деб айтишга ҳали эрта.

Очик тан олиш керак, аксарият одамларимиз бу масалада лқайд ва бепарво бўлиб қолмоқда. Бугун олиб бораётган ислохотларимиз йўлидаги энг катта тўсиқ ҳам аслида шу эмасми?

Айрим фуқароларимиз бошқарув идораларидан масъулият талаб қилишни яхши билади-ю, лекин ўзининг жамият олдидида, қонун олдидида масъулият ва мажбуриятини унутиб қўяди. Ҳолбуки, Ўзбекистонни янгилаш, миллий юксалишни янги босқичга кўтариш бу – ўз-ўзидан, осонликча бўлаётгани йўқ.

Ҳаммангиз кўриб турибсиз, қанчалик оғир ва мураккаб бўлмасин, бугунги кунда зарур куч ва имконият, маблағ топиб, қанча-қанча катта дастур ва лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Янги-янги корхоналар, йўл ва кўприклар, боғча, мактаб ва шифохоналар, маданият ва спорт иншоотлари, кўллаб уй-жойлар қура-

миз ва Худо хоҳласа, бундай ишларимизни янада кўпайтирамиз.

Халқимизда **“Қарс икки қўлдан чиқади”**, деган мақол бор. Агар ўйлаб қарасак, бу мақол Конституциямиз нормаларига ҳам тўла мос келади. Яъни Асосий қонунимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари билан бирга, уларнинг бурч ва мажбуриятлари ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Кўпни кўрган муҳтарам кексаларимиз, фаол фуқароларимиз, азиз опа-сингилларимиз, зиёлилар, навқирон ёшларимиз бугунги ислохотларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаб, уларда фидойилик билан иштирок этаётгани шахсан менга катта куч-қувват бағишлайди. Имкониятдан фойдаланиб, барчангизга, бутун халқимизга бунинг учун чин юракдан алоҳида миннатдорлик билдираман.

**Ишончим комил, биз мана шундай тинч ва осойишта ҳаётимизни қадрлаб, ўзаро ҳурмат ва аҳилликларини асраб-авайлаб, шукрона қилиб яшасак, Яратганимиз ўз неъматини халқимизга янада зиёда қилиб беради.**

Азиз дўстлар!  
Биз жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур.

Ҳуқуқий тарбияни мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор.

**Конституциямиз ҳар бир фуқаронинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.**

Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илми асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваломбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Умумтаълим мактаблари учун “Конституция алаббоси”, “Конституция сабоқлари”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш зарур, деб ҳисоблайман.

Адлия, Мактабгача таълим, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари бу ишларга масъул бўлади.

Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадиий фильмлар, театр асарлари яратиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга.

Умуман олганда, қонун ва адолат тантанаси учун қурашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари бўлиши керак. Айна шундай одамларнинг ҳаёти шоир ва адиблар, режиссёрлар, журналистлар учун ижодий мавзу бўлади, деб ўйлайман.

Қадри ватандошлар!  
Инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал қилинишини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш биз барпо этаётган очик, эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир. Бундай принцип Асосий қонунимизда катъий белгиланган.

Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи сифатида муҳраб қўйилган ва бунда чуқур маъно бор. Бу қондалар мамлакатимизда демократия умуминсоний тамойилларга асослангани, давлат ўз фаолиятини фақат инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб амалга оширишни англайди. Буни биргина шу йилнинг ўтган даврида Халқ қабулхоналарига келиб тушган 880 мингдан ортиқ мурожаатнинг 510 мингдан зиёди ижобий ҳал этилгани ҳам тасдиқлайди.

Шу муносабат билан ҳамма раҳбарларга яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман. **Бизга умид ва ишонч билдирган, бизни раҳбар этиб сайлаган, эл-юртимизни, ҳар бир фуқаронинг рози қилиш асосий бурчимиз эканини ҳеч қачон унутмайлик. Халқ биздан рози бўлса – Яратган ҳам биздан рози бўлади.**

Конституциямизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият сифатида мужассам этилгани бежиз эмас. Ана шу принципни амалга ошириш учун бизда катъий сиёсий ирода ва етарли имкониятлар мавжуд. Бунинг учун биз, аввало, қуйидаги муҳим вазифаларни ҳал этишимиз зарур.

**Биринчидан**, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегиямиз бўлиши лозим.

Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани сизларга яхши маълум.

Бу йилнинг ўзида **“Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”**ги, **“Жабранувчи, гувоҳларни ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди. Шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг **“Мажбурий меҳнат тўғрисида”**ги, **“Саноат ва савдода меҳнат инспекцияси тўғрисида”**ги конвенциялари ратификация қилинди. Бу бизнинг мажбурий меҳнатга қарши курашиш борасидаги қатъий ва ўзгармас позициямизни ифода этади.

Сўнгги йилларда жиноят содир этган шахсларни афв этиш бўйича 8 та фармон қабул қилиниб, 4 мингдан зиёд шахс жазони ўташ жойларидан озод қилинди. Ана шу ишларимизнинг манткий давоми сифатида кўни кеча навбатдаги фармонга имзо чекдим. Унга биноан жиноий қилмишига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 92 нафар маҳкум афв этилиб, улар эркин ҳаётга қайтарилди.

Бу йил Жаслиқ кўрғонидида жазони ижро этиш колониясини ёпганимиз ҳам ана шундай инсонпарвар сиёсатининг амалий намунаси бўлди.

Озодликдан маҳрум этилган шахсларга пенсия ва ижтимоий суғурта тўлаш тартиби биринчи марта ама-

лиётга киритилди. Натижада манзил-колонияларда жазони ўтаётган пенсия ёшидаги 709 нафар маҳкумга пенсия пуллари тўлаб берилмоқда.

Биз аввал йўл қўйган хатоимизни тузатиб, ушбу тоифадаги фуқароларнинг Конституциямизда белгиланган пенсия олиш ҳуқуқини таъминлаш йўлида дастлабки қадамни қўйдик.

Жорий йилда “Меҳр-1” ва “Меҳр-2” инсонпарварлик тадбирлари муваффақиятли амалга оширилди. Ана шу тадбирлар доирасида Яқин Шарқдаги қуролли моҳаролар майдонидан, Афғонистондан 261 нафар фуқаро, асосан аёллар ва болалар юртимизга қайтариб олиб келинди. Уларга зарур тиббий ва моддий ёрдам кўрсатилди.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гапирганда, ўтган уч йилда 9 минг 692 нафар, жумладан, ушбу йилда 5 минг 868 нафар юртошимиз Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилинганини таъкидлашни истар эдим. Лекин бу соҳада ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Авалло, юқорида зикр этилган Миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий тамойилларни рўёбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим.

Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлири, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида **“Инсон ҳуқуқлари”**, **“Бола ҳуқуқлари”**, **“Аёллар ҳуқуқлари”** номли махсус ўқув курсларини жорий этишнинг вақти-соати келди, деб ўйлайман.

**Иккинчидан**, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни фақат ва фақат халқ манфаати йўлида оғишмай хизмат қиладиган идораларга айлантиришимиз лозим.

Ўтган уч йилда жабранувчилар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини ҳимоя қилиш тизими яратилди. Нодавлат суд-экспертиза ташкилотлари фаолиятга рухсат берилди. Соҳани ривожлантириш бўйича устувор йўналишлар ва зарур чора-тадбирлар тасдиқланди.

Хабарингиз бор, ўтган йилларда тинтув жараёнини, олинган кўрсатмаларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, тергов эксперименти каби процессуал ҳаракатларни видео тасвир орқали қайд этиш шартлиги қонуний асосда белгиланган эди.

Бирок аҳоли билан мулоқотлар ҳуқуқ бузилиши хавфи бўлган бошқа ҳолатлар бўйича ҳам шундай чораларни кўллаш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, шахсни ушлаб туриш, унга процессуал ҳуқуқларини тушунтириш каби жараёнларни, агар у ҳимоячидан воз кечса, бу ҳолатни ҳам мажбурий тарзда видео тасвирга тушириш тартибини ўрнатиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушланган шахс махсус бинога олиб келинганидан кейин бу ҳақда унинг оила аъзолари дарҳол хабардор қилиниши керак. Буни суриштирувчи, терговчи ва бошқа ваколатли шахснинг мажбурияти сифатида қонунда аниқ белгилаб қўйишни таклиф этаман.

Бундан ташқари, шахсни ушлаб туриш ва унинг ҳуқуқини чеклайдиган бошқа процессуал мажбурият чораларини кўллаш ҳолатларини ҳисобга олишнинг электрон тизимига ўтиш зарур. Бу жараёнда инсон омили иштирокини иложи борица камайитириш лозим.

Келгуси йилдан бошлаб прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш тартиби жорий этилади. Шу орқали суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида мувоzanатни, яъни ўзаро тийиб туриш тамойилларини таъминлаш имкони яратилади. Бундай муҳим ўзгариш ҳам бизнинг таърибамизда биринчи марта жорий этилмоқда.

Сир эмас, илгари прокуратура идоралари ниҳоятда ёпик, назоратдан холи бир органга, таъбир жоиз бўлса, охирги инстанцияга айланаб қолган эди. Бунинг оқибатида қанча-қанча одамлар ноҳақ жабр чеккани, адолатсизликка дучор бўлгани ҳам айна ҳақиқат. Қанчалик оғир ва ноҳуш бўлмасин, биз шу ҳақиқатни тан олиб, бу соҳада қонунийлик ва адолатни қарор топтиришга киришдик.

Ишонманки, прокурор қарори устидан судга мурожаат қилиш бўйича ривожланган демократик мамлакатларда амал қиладиган бундай таърибани жорий этиш ҳаётимизда адолат мезонини мустаҳкамлашда улкан қадам бўлади.

**Судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш биз учун энг устувор вазифадир.** Айниқса, суд бирон-бир мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланаб қолишига мутлақо йўл қўймаслик шарт. Шу сабабли суд ишларига аралашгани ёки судга босим ўтказгани учун жавобгарликни кучайтириш лозим.

Кейинги пайтда Халқ қабулхоналарига келиб тушаётган мурожаатларнинг аксарияти суд, прокуратура, ички ишлар идоралари фаолиятидаги камчиликларга тааллуқли. Шунини инобатга олиб, ушбу идоралар халқимиз билан ишлашнинг мутлақо янги тизимини яратиши зарур. Ҳар бир ариза ва шикоятнинг қонуний ечимини ана шу идоралар раҳбарлари фаолиятига берилган баҳо бўлади.

Бундай янги ўзгаришларнинг аввало, халқимиз, жумладан, юртимизда қонун устувор эканига ишониб сармоя киритаётган чет эллик ҳамкорларимиз ҳар томонлама хис қилишларини истардим.

**Учинчидан**, адвокатура институтини такомиллаштириш орқали инсон ҳуқуқларини таъминлашни янги босқичга кўтариш зарур.

Бу тизимнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш, адвокатлар ваколатларини кенгайтириш бўйича бир қатор

ишлар амалга оширилди. Лекин ҳали ўз ечимини топмаган муаммолар ҳам бор. Мисол учун, 33 миллиондан ортиқ Ўзбекистон аҳолисига фақатгина 4 мингта адвокат хизмат кўрсатаётганини ижобий баҳолаб бўлмайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги адвокатларнинг 60 фоизи 50 ёшдан ошган шахслардир. Улар орасида 30 ёшга тўлмаган ёшлар 70 нафарга ҳам етмаслигини қандай изоҳлаш мумкин?!

Бундай ачинарли ҳолатга барҳам бериш учун аввало адвокатлар нуфузи ва мақомини ошириш, адвокатура институтининг мустақиллигини таъминлашимиз шарт.

Яқин истиқболда Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш лозим. Ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт.

Айни вақтда адвокатларга нисбатан қўйиладиган маъна талаблари ҳам ушбу концепцияда тўлиқ акс этиши зарур. Бу борада биз ривожланган давлатларнинг илғор таърибасини ҳар томонлама ўрганишимиз керак.

**Тўртинчидан**, виждон эркинлиги, миллатлараро тўтувлик, динлараро бағрикенглик, мамлакатимизда ва хорижда фуқароларимизни кафолатли ҳимоя қилиш бундан буён ҳам давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу мақсадда фуқароларимизнинг муқаддас зиёратларни адо этиш билан боғлиқ имкониятлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Жумладан, умра зиёратига борувчилар сони 10 мингдан 30 мингга, ҳаж зиёратига борувчилар эса 5 мингдан 7 минг 200 нафаргача оширилди, сафар билан боғлиқ харажатлар эса камайтилди.

Умуман, сўнгги йилларда мамлакатимизда виждон эркинлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишлар сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Бугунги кунда маҳаллий ва хорижий нуфузли экспертлар иштирокида биз **“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”**ги қонуннинг янги тарҳири устида иш олиб бормоқдамиз. Ушбу қонун фуқароларимизнинг виждон ва эътиқод эркинлиги бора-бориди конституциявий ҳуқуқларини тўла таъминлашга хизмат қилади.

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!  
Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган фуқароларимиз ва уларнинг оила аъзоларини ҳимоя қилиш бўйича ҳам тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ташқи меҳнат миграцияси масалалари бўйича республика комиссияси тузилди. Ҳуқумат таркибидан Хорижда вақтинчалик меҳнат қилаётган Ўзбекистон фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кўллаб-қувватлаш масалалари департаменти ташкил этилди.

Бирок чет элга ишлаш учун фуқароларни жўнатиш билан шуғулланаётган баъзи бир хусусий фирмалар одамларни алдаётгани ҳақидаги материаллар матбуот саҳифаларида эълон қилинмоқда. Департамент ушбу фирмалар фаолиятини қатъий назоратга олиши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси, мамлакат назарисидан ёки ташқарисидан бўлишидан қатъи назар, ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларга ҳимойлик кўрсатишни бундан буён ҳам кафолатлайди ва барча чораларни кўради.**

Бунинг учун, жумладан, хориждаги дипломатик ваколатхоналаримиз томонидан кўрсатилган консуллик хизматларини электрон шаклга ўтказиш лозим. Токи чет элдаги фуқароларимиз бошқа шаҳардан консуллик бўлимларига бевосита ўзи келиб, овора бўлиб юрмасин.

Ташқи ишлар ва Адлия вазирлиги келгуси йилда ушбу тизимни тўлиқ ишга туширишга масъул этиб белгиланади.

**Бешинчидан**, хотин-қизлар ва эркеклар ўртасида ҳуқуқий тенгликни мустаҳкамлашга мамлакатимизда жиддий эътибор берилмоқда.

Хотин-қизлар кўмитаси ва унинг ҳудудий бўлимлари бутунлай янги тантанали ташкил этилгани, уларга кўшимча ваколат ва имкониятлар берилиб, тўлақонли фаолият юритиши учун зарур шароитлар яратилгани бу йўлда янги қадам бўлди.

Жорий йилда Конституциямизнинг 46-моддасига асосан **“Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”**ги ҳамда **“Хотин-қизларни таъйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”**ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларни изчил амалга оширишда парламент ва жамоатчилик назорати ниҳоятда зарур, деб ўйлайман.

Келгусида ҳам оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш давлатимизнинг диққат марказида бўлади.

Кейинги пайтда кўллаб аёлларимиз давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, молия-банк, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва бошқа соҳаларда масъул раҳбарлик вазифаларига кўтаришмоқда.

Ўзингиз айтган, жойларда одамларнинг дарду ташвишларини, оила ва маҳалладаги аҳолини ким ҳаммадан кўра кўпроқ билади, ким ҳаммадан яхшироқ хис қилади? Албатта, ҳурматли ва меҳрибон аёлларимиз эмасми?

Ҳеч шубҳасиз, ижтимоий муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида ҳал этишда, бошқарув самарасини оширишда опа-сингилларимизнинг ўрни ва таъсири жуда катта. Шунинг учун биз хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва мақомини ошириш, уларга турли масъул вазифаларни ишониб топширишга қаратилган сиёсатни янада фаол давом эттирамиз